

ЁШЛАРДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

Баратов И., ГулДУ доценти

Президентимиз Ислом Каримовнинг миллий-маънавий меросимизнинг қайтадан тикланиш борасида қилган хизматлари ҳақида фикр юритганимизда, унинг концептуал ғояларни ишлаб чиқиши билан бирга уни амалга ошириш борасида катта хизматларини тан олишимиз лозим. Жумладан, Президентимиз 1994 йилда «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази»ни тузиш тўғрисида фармон чиқарган эди.

Маънавий меросимизни ўрганишимизга кенг имконият эшиги очилди. Соғлом турмуш тарзи ва касбий маҳоратни шакллантириш, мукамалликка эришишда, айнан меҳнат салоҳияти муҳим хусусият ҳисобланган, Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши 24 ёшга тенглиги ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли ҳаётимизга «соғлом ҳаёт», «соғлом турмуш тарзи», «соғлом авлод», «соғлом эътиқод», «соғлом онг», деган тушунчалар кириб келди.

“Бугун дунёда ҳаёт бор экан одамзод тинч ва фаровон, бахтли-саодатли умр кечиришни орзу қилади ва истайди. Шу маънода инсонларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш аҳоли соғлигини сақлаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда»-деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов.

Бахтли, маънавий баркамол, жисмонан соғлом ҳаёт кечириш инсон умрининг мазмунини белгилайди.

Бунинг учун юртбошимизнинг фикрича:

биринчидан, оқилона яшаш тарзини йўлга қўйиш,

иккинчидан, инсон ҳалол касбкорликка мукамал эришиб, қонунларга риоя қилиб ҳаёт кечиргандагина бахт-саодатга эришиши мумкин.

Мустақилликдан сўнг чоп этилган «Ўзбек қомуси» даги маълумотларга кўра, ерни ўраб турган атмосфера қатламнинг 48 %ини азот, 21 %ини кислород, 1 %ини нафас олишимиз учун зарур бўлган моддалар ташкил этади. Агарда ҳаводаги кислороднинг миқдори 21 % дан ошиб кетса, лоақал гугурт ҳам ёқа олмас эканмиз. Демак тириклик манбаи бўлган табиат ва ҳаёт асосларини мўътадил сақлаш инсон соғлом турмушининг кафолати ҳисобланади. Одам ўз соғлигини асраши ва ҳаётда мукамал яшаши учун табиат ҳам соғлом бўлиши лозим. Бу мезонни асрашимиз учун ер юзидаги инсоният маънавий соғлом онгга эга бўлиши лозимлигини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Бу ўлмас ғоя сифатида инсон онгги, дунёқарашини мукамал олий жаноб муносабатни ўзгартириш бош масала тарзида майдонга чиқади. Умумлаштириб ва мукамаллаштириб, табиат ва ҳаёт қонуни билан яшаш деб айтишимизга асослансак бўлади. Чунки, бу ҳақиқат ижобий мукамаллик ҳам «соғлом халқ», «соғлом миллат» ғоясидаги буюклик илми ётганлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Ҳар бир халқнинг маънавий меросида соғлом турмуш тарзи ва касбий маҳорат мукамаллиги, қобилятли ва уқувли шахслар билан белгиланади. Уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиши, камол топтириш учун етарли шарт-шароитни таъминлаб бериши билан ҳам белгиланади.

Мустақилликнинг асосий қадриятларидан бири омма фикрини уйғотишда, халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги хусусида қайғуриш ҳиссини кучайтиришдан иборатдир.

Хулоса ўринда мухтарам Президентимизнинг бир фикрини келтиришни жоиз деб биламан. “Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисодий билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук ва соғлом фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим”.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.

2. Ўзбек миллий энциклопедияси. I – том -Т.: 2002.